


Ахмад Югнакий

ХИБАТУЛ -
ҲАҚОЙИҚ



10 5449
133



Рафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти
Тошкент — 1971

Урта Осиё калқлари, жумладан, ўзбек халқи жуда қадимий бой ёзма ёдгорликларга эга.

XII—XIII асрлар ёзма ёдгорлиги «Ҳибатул-дақойиқ» асарининг мазмуни муҳим аҳамият касб этади. «Ҳибатул-дақойиқ» «Девону луғотит-турк» ва «Қутадғу билиг»дан бироқ кейин дунёга келган ёзма ёдгорликдир.

*Нашрга
тайёрловчи*

Қ. МАҲМУДОВ

«ХИБАТУЛ-ҲАҚОЙИҚ» АСАРИНИНГ ЕЗИЛИШ ДАВРИ, ҒОЯСИ ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА

Х аср Урта Осиё халқларининг ҳаётида иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан катта ўзгаришлар рўй берган давр эди. Бу даврда бир неча асрлардан бери ҳукмронлик қилиб келаётган араб халифалиги емирилади ва араблар томонидан босиб олинган ўлкаларда мустақил давлатлар пайдо бўлади. Мамлакатнинг шарқий қисмида Қорахонийлар, Мовароуннаҳрда Сомонийлар, ғарбий районларда эса Ғазнавийлар давлати вужудга келади.

999 йилда Қорахонийлар ва Ғазнавийлар томонидан Сомонийлар давлати емирилгач, бу ҳар икки давлат Амударё билан чегараланадиган бўлиб қолади. Тез орада Сирдарёнинг қуйи оқимидан Зарафшон водийси орқали Марв атрофларига Ғазнавийларнинг рухсати билан кўчиб ўтган Салжуқийлар 1040 йили Данданакан яқинидаги жанг-

да Ғазнавийларга қаттиқ зарба бергач, бутун Урта Осиё ва қўшни мамлакатларга ҳукмронлик қилишга киришадилар. Бу янги тузилган давлатларнинг сиёсий, маъмурий, иқтисодий, маданий ҳаётини мустақамлашиб бориши учун шароит вужудга келади.

Урта Осиё X—XI асрларга келиб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий томондан ривожлана бошлайди. Мамлакатнинг моддий-маънавий, сиёсий жиҳатдан тараққий этиши учун объектив имкониятлар мавжуд эди.

Мамлакатнинг ободончилигини, моддий-маънавий ҳаёт даражасини юксалтириш учун ҳаракат кучаяди. Мамлакат экономикасининг ўсиши ўз навбатида маданий ҳаётнинг ривожланиши учун замин ҳозирлайди.

Қорахонийлар давлати сиёсий, маъмурий ва хўжалик ишларини мустақамлаб олгач, ўзларининг ҳукмронликларини идеаллаштириш мақсадида маданий ҳамда маънавий ҳаётга вэтибор бера бошлайди.

Қорахонийлар даврида, XI—XIII асрларда жуда кўп ёзма асарлар яратилиб, булардан баъзилари йўқолиб, бир қисми ҳозирги кунга қадар сақ-

ланиб қолган. Бу ёзилган асарларда фалсафа, та-
рих, иқтисод, тилшунослик, табиат фанлари, ди-
дактика ва бошқа фанлар соҳасида баҳс этилади.

XI асрларда Ўрта Осиё ва бошқа районларда
яшаган туркий қабилалр ўртасида иқтисодий, ма-
даний алоқалар кучайиб боради. Шу билан бирга
туркий халқларнинг бир қисми ислом динини қа-
бул қилиши араблар билан иқтисодий, маданий
алоқалари кучайиб бориши, ҳар икки халқ
ҳаёти ва маданиятини яқиндан ўрганиш учун
имконият берадиган асарлар ёзилишини талаб қи-
лар эди.

XI—XIV асрларда яшаб ижод этган адиблар,
файласуфлар, тарихчи олимлар ёки мутафаккирлар
ўз асарларида замонасининг иқтисодий тузуми
асосида вужудга келган дунёқарашларини ифода
этишга уринганлар. У даврнинг диний таълимоти-
да суфизм устун турарди. Уша даврда ижод этган
кўпгина адиблар, тарихчилар ва бошқаларнинг
асарлари тарки дунёчилик ғоялари билан суғорил-
ган бўларди. Аммо замонанинг илғор адиблари,
тарихчилари ўз асарларида реал ҳаётни ифода-
лашга, дунёвий ғояларни тараннум этишга интил-
ганлар.

XII—XIII асрларда ёзилган асарлар, жумладан, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари ҳам ўз гоъвий йўналиши жиҳатидан ҳоким табақе мафкурасини акс эттиришга қаратилган эди. Асарнинг мазмуни асосан дидактикага доир масалаларни ўз ичига олади. Ўша даврдаги ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, диний, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш учун суфизм таълимоти таъсирида шоир ўз фикрларини талқин қилади. Югнакий суфизм таълимоти таъсирида бўлса ҳам, дунёвий ҳаётдан ажралмай яшашни тарғиб этади. Дунёвий ҳаёт билан боғланишни тарғиб этиш ўша давр муҳиtida катта жасорат эди.

Аҳмад Югнакий ўз даврининг юқори синф табақаларини инсофга, саховатга, адолатга, маърифатга, яхши ахлоқли бўлишга ундайди.

Асарнинг ҳар қайси бобида муаллиф томонидан кузатилган мақсадлар бирма-бир кўрсатиб ўтилади. Шоир ҳаддидан ошиб кетган феодалларни ва уларнинг ҳимоячиси бўлган мўғул босқинчиларини ўз таълимоти орқали инсофга чақиради.

Адиб Аҳмад Югнакийнинг шахсий ҳаёти ва туғилиб ўсган ери ҳақида маълумотлар кам. Ай-

рим манбаларда адибнинг ҳаёти ҳақида берилган маълумотлар тўлиқ эмас.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг ким томонидан ёзилгани, муаллифнинг исми, отасининг исми, унинг қаерда яшагани, бошқа адибларга нисбатан тутган мавқеи, жисмоний заифлиги ҳақида асарда қисқача маълумотлар мавжуд:

Адиб Аҳмад отим, адаб, панд сўзум,
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум.

Отим — адиб Аҳмад, сўзим — панд-насиҳат, адаб беришдан иборат, сўзим эса, бу дунёда қолиб, ўзим у дунёга кетаман.

Отаси оти Маҳмуди Югнакий,
Адиб Аҳмад ўғли йўқ ул ҳеч шаки.

Отасининг оти — Маҳмуд Югнакий, адиб Аҳмад унинг ўғли эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Адибнинг ери оти Югнак эрур,
Сафолк ажаб ер, кўнгулар ёрур.

Адиб тугилган ерниг номн Югнак шаҳри, об-
ҳавосиянинг софлиги жиҳатидан кўнгилар яйрай-
диган (очиладиган) ажойиб ерdir. •

Бу фактлар ҳақиқатан ҳам «Ҳибатул-ҳақойиқ»
асари Аҳмад Югнакий томонидан ижод этилган-
ни сўзсиз исботлайди.

Шоирнинг отаси Маҳмуд Югнакий акалиги-
ни шахсан ўзи айтиб ўтиши Аҳмад Югнакий чин-
дан ҳам Югнак деган шаҳарда тугилиб ўсганли-
гига ва у ерда ижод этганлигига ҳеч қандай шубҳа
қолдирмайди. Бундан ташқари, Алишер Навоий
«Насойимул-муҳаббат» деган асарида адиб Аҳ-
маднинг номини «слаб ўтади ва «Ҳибатул-ҳақо-
йиқ»дан қуйидаги мисраларни келтиради:

Тилинг бекта тутил, тишинг синмасун,
Қали чикса бекта, тишингни сиюр.

Тилингни тий, тишинг синмасин, агар чиқиб кол-
са бекит (бўлмаса) тишингни синдиради.

Келтирилган фактларга кўра, Аҳмад Югна-
кийнинг шахсияти ва унинг «Ҳибатул-ҳақойиқ»
асари XV—XVI асрларда ҳам ал орасида маш-
ҳур бўлгани кўринади.

Бундан ташқари, яна адибнинг шахсий ҳаётига доир баъзи бир фактларни асарнинг ўзида учратиш мумкин:

Адиблар адиби, фозиллар боши,
Гуҳартин сўз аймиш, один сўз биши.

Адиблар адиби, фозиллар боши пухта ўйланган айрим сўз гавҳарларини айтибдир.

Бу фактлар бир томондан адиб Аҳмад Югнакийнинг етук шоир, замонасининг улуғ билимдони эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, замондош шоирлар, адиблар олдида ҳурматга сазовор эканлигини билдиради. Адибнинг маликушшуаро бўлгани ҳақида маълумот бўлмаса ҳам, ўзининг ҳамкасбларига адабиётдан таълим бергани аҳтимолдан узоқ эмас.

Алишер Навоий, Аҳмад Югнакий турк қавмига тааллуқли бўлиб, туркча шеър айтишда ниҳоятда моҳир эканлигини айтиб ўтади.

Аҳмад Югнакий ўзининг кўзи ожиз экани ҳақида «Ҳибатул-ҳақойиқ»да таъкидлаб ўтади:

Туға кўрмас арди адибнинг кўзи,—

деб оламини кўришдан бебаҳра эканидан шикоятланади.

Алишер Навоий, Аҳмад Югнакий ҳақиқатан кўр бўлса ҳам, дил кўзи очиқ, кўзи соғлардан кўра равшанроқ эди, деб айтиб ўтади.

АСАР НУСХАЛАРИ ҲАҚИДА

«Ҳибатул-ҳақойиқ» асарининг асл қўл ёзма нусхалари бизда топилгани йўқ.

Рашид Арат Раҳматий бу нодир асарнинг араб ва уйғур ёзуви билан Истанбулда Абдураззоқ Бахши кўчирган нусхани «В» (Б), Ҳиротда кўчирган уйғурча нусхани «А», XVI асрда номаълум котиб томонидан Туркияда кўчирилган нусхани С(Ж) деб номлайди. Бу нусхалар Истанбул кутубхоналарида сақланмоқда. Бундан ташқари «Д», «Е» нусхалари Туркиянинг бошқа шаҳар кутубхоналарида, «Ғ» нусхаси Берлин кутубхонасида мавжуд экани ҳақида Арат Раҳматий хабар қилади.

Асарнинг «А» нусхасини 1444 (ҳиж. 848) йилда аллаким Туркияга олиб борган.

Бу нусха уйгур сзувида бўлиб, уни Самарқандда Зайналобиддин деган котиб томонидан кўчирилгани ҳақида хабар берилади. Асарнинг бу нусхаси 246 байтдан иборат.

Асарнинг «В» нусхасини XV асрда Урта Осиёдан Абдураззоқ Бахши деган киши Истанбулга бориб, шу нусханинг қўл ёзмасини уйгур ва араб алифбесига кўчириб ёзганлиги ҳақида Нажиб Осим хабар бериб ўтади.

Аҳмад Югнакий асари «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг «В» нусхаси 254 байтдан иборат бўлиб, унинг неча боб экани ҳақида китобда маълумот берилган:

Тузаттим бу ўн тўрт боб ичра сўзи,

Бу ўн тўрт боб ичига сўзни туздим (ўн тўрт бобдан иборат қилиб ёздим). Аммо Абдураззоқ Бахши араб алифбесига кўчирган «В» нусхада баъзи бобларнинг сарлавҳасини тушириб қолдирган.

Нажиб Осим 1915—1916 йилларда Абдураззоқ Бахши томонидан араб ва уйгур графикаси билан кўчириб ёзилган «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг «В»

нусхасини ва ўзининг алоҳида тузатиш киритган қиёсий текстни китоб ҳолида эълон қилади. Мазкур «В» нусхада икки байт тушириб қолдирилган. Бу байтлар Арат Раҳматий тузган қиёсий текст (транскрипция)да «А» нусха асосида тикланади. Асарининг «В» нусхасида тушириб қолдирилган байтларнинг бири илмнинг аҳамияти ҳақида сўзланган бобга тааллуқли бўлиб, уни қуйида келтираман:

Билиг билмагандия бир анча будун,
Ўз элгин бут этиб идим бу теди.

Тушириб қолдирилган иккинчи байт адиб Аҳмад ҳақида сўзланган бобнинг охирига тааллуқлидир.

Билип тутса ҳар ким адибнинг сўзин,
Халойиқ аро ўл гузинлар ўзин.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг дастлаб қайси ёзувда ёзилганлигини аниқлаш анча мураккаб масаладир. Асарнинг қайси ёзувда ёзилганлиги тўғрисида бошқа манбаларда маълумот учрамайди. **Шақат**

«Хибатул-хақойиқ»нинг «В» нусхасида мўғул (уйғур) хати билан ёзилганлиги кўрсатиб ўтилади. «Мўғул тилида» ёзилган рисолалар мажмуаси ва «Махзунул-асрор» китобининг четларида (араб хатида) туркча (текст) бор.

Бу келтирилган маълумотда «мўғул тили» иборасининг қўлланишига маълум сабаб бор. Уйғур ёзувини мўғуллар ҳам қўллаганлиги туфайли уни баъзан «Мўғул хати» номи билан юритганлар. Иккинчидан, турклар XV асрларда уйғур ёзуvidан кам фойдаланганлар, мўғуллар эса деярли шу хатни тўла равишда ишлатганлар.

Бундан ташқари, бу келтирилган хабар «Хибатул-хақойиқ»нинг дастлабки нусхаси уйғур ёзуви билан ёзилган деган хулосага келишга асос беради.

Нажиб Осим томонидан «Хибатул-хақойиқ»нинг «В» нусхаси 1918 йилда яна нашр қилинади. Асарнинг «В» нусхаси 1951 йили Истанбулда Арат Раҳматий тарафидан ўз транскрипцияси ва изоҳига илова тариқасида «А» ва «С» нусхалари билан бирга эълон қилинади.

«Хибатул-хақойиқ»нинг XV асрда Абдураазоқ Бахши кўчирган «В» (Б) нусхасининг арабча

тексти ушбу ишимиз учун асос қилиб олинди. Асарнинг бу нусхасидаги арабча текст давр эътибори билан бошқа нусха («А») билан тенг бўлса ҳам, орфографик жиҳатдан характерлидир.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг С (Ж) нусхаси араб хати билан ёзилган ва 242 байтдан иборат. Бу нусханинг қачон кўчирилганлиги ҳақида маълумот йўқ, фақат Туркия султони Баёзид II (1481—1512)нинг муҳри босилган. Шунга кўра, асарнинг «С» (Ж) нусхаси XV аср охири, XVI аср бошларида кўчирилган, деган хулосага келамиз. Иккинчидан, бу нусхада усмонли турк тили хусусиятларининг бўлиши унинг Туркияда кўчирилганидан далолат беради. «Д», «Е» ва «І» нусхалари айрим парчалардан иборат.

«ҲИБАТУЛ-ҲАҚОЙИҚ»НИНГ УРГАНИЛИШИГА ДОИР

XV—XVI асрлардан сўнг «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг мавжудлиги ҳақида маълумот учрамайди. XX аср бошларида Нажиб Осим асарнинг бир қис-

мини эълон қилиб, «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг мавжудлигини жамоатчиликка билдиради. Нажиб Осимнинг бу иши ҳақида В. В. Радловнинг тақризи эълон қилинади. 1915—1916 йиллари «Ҳибатул-ҳақойиқ» Истанбулда («В» нусха) Нажиб Осим томонидан икки марта эълон қилиниб, булардан бир текст, таржима, айрим изоҳлар билан босилган бўлса, иккинчисида асарни тўлатиш мақсадида унинг факсимили ҳам эълон қилинади.

1925 йили асар «А», «В» (Б) нусхалари асосида яна Нажиб Осим томонидан нашр қилинади. Бундан ташқари, машҳур турк адабиётшуноси Фуадбей Кўпрулизода ҳам «Ҳибатул-ҳақойиқ» ҳақида махсус мақола ёзади.

Шунингдек, Т. Кавальский ва Ж. Дени Нажиб Осимнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» юзасидан қилган ишларига тақризлар ёзганлар.

Совет олимларидан Евгений Эдуардович Бертельс ҳам «Ҳибатул-ҳақойиқ» ҳақида мақола ёзиб, асарнинг умуман ўзбек тилига муносабати ҳақида фикр юритади.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг Арат Раҳматий томонидан 1951 йил эълон қилинган нашрида асарнинг

ёзилиши, автори, даври, ёзилган жойи, қийёсий тексти, лексикаси, индекси (хўрсаткичи) ҳамда илова тариқасида асарнинг мавжуд нусхалари бериллади.

АСАРНИНГ ЁЗИЛГАН ЖОЙИ ВА ЁЗИЛГАН ВАҚТИ

Асарда Югнак шаҳрининг номи зикр этилса ҳам, бу шаҳарнинг географик ўрни ҳақида маълумот берилмайди. Айрим манбаларда Югнак шаҳрининг маъмурий бўлинишига доир, қисман бўлса ҳам, маълумотлар учрайди. Жумладан, Нажиб Осим асарнинг муқаддимасида Қорахоний хонларидан Сотуқ Бўғрохон томонидан Югнак шаҳри қамал қилинганини кўрсатиб ўтади.


Е. Э. Бертельс Югнак шаҳрини Фарғона водийсида жойлашган деб кўрсатса, В. В. Бартольд бу шаҳар Самарқанд область районларидан бирига жойлашганини таъкидлайди.

Тарихий манбалардан, Ибн Хауқал асарида Югнак шаҳрининг номи Арнақ шаклида ёзилган бўлиб, Самарқанд атрофида жойлашганлиги таъкидланади. Арат Раҳматий Ибнул Яъқубнинг фик-

рига асосланиб, Югная шаҳри «Агнақ» шаклида ёзилиб, Самарқанд теварагига ўрнашганини айтиб ўтади.

Умуман айтганда, Югнак шаҳрининг географик ўрни ҳақида маълумотлар турличадир. Кўпчилик маълумотлар Югнак шаҳри Самарқанд атрофида жойлашганлигини кўрсатади. Албатта, археологларимиз томонидан мажкур шаҳарнинг географик мавқеини аниқланишига ишончимиз комил.

Асар қачон ёзилгани ҳақида маълумот йўқ. Олимлар бу асарнинг ёзилиш даврини турлича талқин қиладилар. С. Е. Малов бу асар X—XII асрларда ёзилган деб кўрсатса, Н. А. Баскаков XI—XII асрларда яратилган деб таъкидлайди. А. М. Шчербак асарнинг ёзилиш даврини «қўл ёзма кўчирилган» вақти 884 йил ҳижрий (1480 йил милодий) билан чалкаштириб кўрсатади, аслида 1480 йилда асар яратилган эмас, балки ўша йили асарнинг «В» (Б) нусхаси Истанбулда кўчирилган. «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг ёзилган вақтини ёрдамчи далиллар воситаси билан аниқлаш мумкин.



Феодализм шаронтида ёзилган бадий асарларнинг кўпчилиги айрим зодагон табақага мансуб шахсларга бағишланар эди.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»ни ҳам муаллиф бир давлат арбобига бағишлаганини айтиб ўтган:

Доди Споҳсолорбек учун бу китоб
Чиқартим очунда оти қолсу теп.

Дунёда оти қолсин, деб, Дод Споҳсолорбек учун шу китобни ёздим.

Иккинчи бир жойда муаллиф асар бағишланган шахсни Дод Споҳсолорбек деб атамасдан, шоҳим деб кўрсатади.

Шоҳим мадҳи бирла безадим китоб,
Уқуғли кишининг севгунсун жони.

Уқийдиган (ёки ўқиган) кишининг жони севинсин деб, шоҳим мадҳи учун китоб ёздим.

Бу келтирилган мисолимизга кўра, Аҳмад Югнакий «Ҳибатул-ҳақойиқ»ни юқорида номи зикр этилган шахс Дод Споҳсолорбекнинг мадҳи ва шон-шавкатига атаб ёзган. Асарда кўрсатилган

Дод Споҳсолорбек ҳаерлик ва қайси шаҳарнинг ҳокими эканлиги ҳақида маълумот учрата олмадик. Арат Раҳматий Дод Споҳсолорбек ҳақида аниқ маълумот кўрсатмайди. Бу киши Қорахонийлардан бўлиб, Югнак шаҳрида яшаган бўлиши мумкин деб айтади ва асар ҳижрийнинг VI асри охирларида ёзилгани тўғри деб кўрсатади.

Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар даврида ҳарбий бошлиқ Споҳсолор унвони билан юритилган. Дод Споҳсолорбек унвони билан Салжуқ султонларининг ҳузуринида амирлик вазифасида бир пайт бўлиб, бу кишининг асл исми Дод Ҳабаши эди, унинг отаси Олтуун Тоқ амир бўлиб, Ғазнавий султонларига хизмат қилган.

Арат бу киши ҳақида бирор фикр айтмаган.

Лекин у ҳижрийнинг бешинчи асри охирида яшаган, бу милоднинг XII асрига тўғри келади. Бундан ташқари, ҳижрийнинг олтинчи (милоднинг XII—XIII) асрида яшаган хоразмлик машҳур олим Муҳаммад Абдулжалил Умарий—Рашидул-Ватвот ёки Рашидул-Котиб (адабий тахаллуси)нинг «Жавоҳирул-кулоид ва заводиул-фароид»

деган китобда Мавлоно Валионнаъмул-амирул-асфаруллал-ажалул-кабирул-слимул-одилул муаййидул-музаффарул-манзурул-ихтиёриддавла-ваддин нусратул-ислом валмуслимин тожу-умарои шарафи Турон Тўғрул Қилич Сипоҳсолорбек бин Шижо Муҳаммад Бинал-Ҳасан бин Абдурахмон Ҳисом амирул-муъминин деган шахсни кўрсатиб ўтган.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» ҳижрийнинг V (милоднинг XII) асрида яшаган Дод Сипоҳсолорбек—Дод Ҳабашига бағишланган бўлса, асар XI—XII асрларда ёзилган бўлиши мумкин.

Лекин асарнинг Самарқанд нусхаси (R. R. A. 1,5) да турк ва Ажам мамлакатининг ҳукмдори амир Муҳаммад Дод Сипоҳсолорбек номи арабча ибора билан сарлавҳада зикр қилинади ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» шу кишининг номига бағишланганини билдиради. Асар ҳижрийнинг VI асрида, Хоразмшоҳлар замонида яшаган Тўғрул Қилич Сипоҳсолорбек бин Шижо амир Муҳаммад деган шахсга бағишланган, милоднинг XII—XIII асрларнда ёзилган деб, айтишга тўғри келади.

Нажиб Осим асарнинг муқаддимасида «Ҳибатул-ҳақойиқ» Тўғрул Қилич Споҳсолорбекнинг номига атаб ёзилган деб кўрсатиб ўтган.

Мир Алишер Навоий «Насойимул-муҳаббат»да адиб Аҳмад Югнакий Бағдод шаҳрида сунни маъзаби таълимотига асос солган Имом Аъзам ҳузурда ўқиганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади. Аҳмад Югнакий Имом Аъзамнинг шогирди ва замондоши десак, у ҳолда масалани анча чигаллаштирган бўламан. Имом Аъзам ҳижрийнинг 80—150 йилларида яшаган.

Асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш, унинг ёзилиш вақтини аниқлашда катта ёрдам беради.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»да қўлланган сўзларнинг лексик, фонетик ва грамматик хусусияти бир томондан «Қутадғу билик»ка яқинлашса, иккинчи томондан, «Ҳибатул-ҳақойиқ»дан кейин ижод этилган «Қиссасул-анбиё»га ўхшаб кетади. Бу характерли ҳолатни ҳисобга олиш жуда зарурдир. Шунга кўра, Е. Э. Бертельс қадимги ўзбек адабий тилидан классик ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибатул-ҳақойиқ» «кўприк» бўлиб хизмат этган деб кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, бу асарда эски ёки

классик ўзбек адабий тилига ўтишда «кўприк» ва-
зифасини бажарувчи фонетик ва граматик хусу-
сиятлар учрайди.

XI—XIV асрлар учун характерли сўзлар «Қу-
тадғу билиг» ва «Қиссасул-анбиё»да учрагани каби,
«Ҳибатул-ҳақойиқ»да ҳам учрайди. Асарнинг ана-
лизи асосида «Ҳибатул-ҳақойиқ» XII асрнинг
охирлари XIII асрнинг бошларида ёзилган деб
айтишга тўғри келади.

АСАРНИНГ НОМИ ҲАҚИДА

Асарнинг номи ҳақида маълумот бериб ўтиш
ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу номнинг арабча
акани асарнинг ўзида кўрсатиб ўтилган.

Китобнинг оти эрур айбат (ибатул)ул
Ақойиқ иборат арабтин ўшул.

Китобнинг оти «Ҳибатул-ҳақойиқ» бўлиб,
арабча сўздан иборат. «Ҳибатул-ҳақойиқ» ёки
«Айбатул-ақойиқ» сўз бирикмаси «ҳақиқат сов-
галари» деган маънони англатади.

Асарнинг номини олимлар томонидан илмий
тадиқиқотларда уч хил вариантда аталганини кў-

риш мумкин. Бирлари, «Айбатул-ақойиқ», иккинчилари, «Ҳибатул-ҳақойиқ» деб кўрсатса, учинчилари эса, «Атебатул-ҳақойиқ» номи билан атайдилар.

«ҲИБАТУЛ-ҲАҚОЙИҚ» ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ТИЛИГА МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА

«Ҳибатул-ҳақойиқ» асарининг қайси бир халқ ёдномаси экани, ҳозирги замон туркий тилларининг қайси бирига яқин эканлиги масаласи олимлар ўртасида катта тортишувга сабаб бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Қорахонийлар даврида ва ундан кейинги вақтларда ёзилган турли фанларга доир, шунингдек, бадий адабиётга тааллуқли асарлар қайси халққа мансуб эканлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Уша даврда ёзилган асарлар ё у, ё бу халқники дейишдан аввал, унинг лексик, фонетик ва грамматик хусусиятларини, қайси халқнинг тилига яқинроқ туришини аниқлаш лозим.

Бундан ташқари, ёзилган асарларда тили ақс этган халқларнинг ўтмиш тарихи, уларнинг яша-

ган макони, замони билан боғлиқ ҳолда фикр юритилса, асарлар қайси халқнинг вакили томонидан ижод этилганини аниқлаш мумкин бўлади.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»да асарнинг қайси тилда ёзилганлиги ҳақида шундай маълумот бор:

Тамоми эрур кошғарий тил била,
Айитмиш эдиб риққати тил била.

Агар билса кошғар тилин ар киши,
Билур ул адибнинг неким аймиши.

Адиб кошғар тилида тушунарли китоб (асарини) ёзиб тугатди. Агар ҳар киши кошғар тилини билса, адибнинг нима ҳақда сўзлаганини билади.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» кошғар тилида (ҳаммага) тушунарли қилиб ёзилди деган фикрни билдирилса ҳам, бундан уйғур тилида битилди деган маъно келиб чиқмайди.

Бундан ташқари, «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг ёзилган ўрни Югнак шаҳри Шарқий Туркистонда эмас, балки ғарбий Туркистон доирасида жойлашганлиги маълум. Аммо асарнинг лексик, фонетик ва грам-

матик хусусиятлари Қорахонийлар даврида ёзилган бошқа адабий ёдгорликларнинг умумий тил хусусиятига яқин туради. Шу билан бир қаторда, асар бошқа ёдгорликларга нисбатан баъзи бир тил хусусиятлари билан ажралиб туради. «Ҳибатул-ҳақойиқ» қорлуқ, чигил, уйғур тил хусусиятларини ўзида акс эттиради ва унда ўғуз-қипчоқ тили элементлари ҳам мавжуддир.

Қорахонийлар даврида ёзилган адабий асарларнинг тил хусусиятлари қадим уйғур тилидан лексик, фонетик, грамматик белгилари билан фарқ қилади. Шу даврларда ижод этилган адабий меросларни қадимги уйғур тилида ёзилган асарларга нисбат бериш шартли равишда традиция бўлиб қолган эди. Аммо қорлуқ, ўғуз, уйғур, қипчоқ ва бошқа қабилалар халқ тиллари ғарбий ёки шарқий адабий муҳитнинг шаклланишида сўзсиз иштирок этган.

Худди шунингдек, Қорахонийлар даврида ташкил топган адабий муҳит эски ўзбек тилида ўз изини қолдиргани каби, уйғур адабий тилининг ривожланишида ҳам унинг таъсири бор; ўша давр адабий меросларини чуқурроқ ўрганилган сари масала янада равшанлаша боради.

Қорахонийлар даврида ёзилган адабий асарларнинг тилини белгилашда қайси қабила етакчиликлари ролини ўтаганини аниқлаш соҳасида фикр юритишга тўғри келади. XI—XIII асрларга келиб қорлуқларга нисбатан чигил, яғмо қабилаларининг сиёсий фаолияти ва уларнинг нуфузи ошган эди.

Амударё бўйларидан тортиб Юқори Чинга қадар территорияда яшаган қабилаларнинг кўпчилиги чигиллардан иборат бўлган. Ҳозирги вақтда уйғурлар яшаб турган Кошғар шаҳрининг атрофларида чигиллар яшаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуддир. Шунга кўра, бадий асарларда ҳам кўпроқ чигил қабила тили устунлик қилади.

Кошғар шаҳрининг марказида Қорахонийлар ҳукмронлик қилган вақтда хоқоний тилида сўзлашилганлиги (Маҳмуд Кошғарий 1, 494—495, Худуд-ал-олам, 17 а, 18 б) айтилади. Қорахонийлар сулоласи ўғуз қабила бирлашмасидан ажраб чиққан яғмо қабиласига мансуб эди. Яғмо қабиласи тилида сўзлашувчи халқларни Хоқония авлоди дейилган. Хоқония тилида сўзлашувчилар яғмо қабиласига нисбат берилгандир. Хоқония тили бу ерда тор доирадаги тил маъносини билдиради.

Асосан Қорахонийлар даврида адабий тил хоқония тили эмас, балки чигил, яғмо, қорлуқ, уйғур тиллари асосида вужудга келган бадий асарлар тили адабий тил вазифасини ўтаган.

Қорахонийлар ҳокимият тепасида ҳукмронлик қилиб турган даврда қадимги уйғурлар Хитой чегарасига (ўша асрларга нисбатан) яқин Сулми, Қужу, Жонбалиқ, Бешбалиқ ва Янгибалиқ деган шаҳарларда яшаганлар. Уйғурларнинг номини ўша вақтга нисбатан Кошгар шаҳри билан боғлиқ қилиб қўйиш тўғри келмайди.

«Девону луғотит-турк», «Қутодғу билиг», «Ҳибатул-ҳақойиқ», «Қиссасул-анбиё» ва бошқа асарлар Урта Осиёда яшаган туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ота-боболари томонидан ижод қилинган. Бу асарлар наслдан-насла ўтиб, ўзбек, уйғур ва бошқа туркий халқларнинг маданий мероси сифатида сақланиб келмоқда.

XI—XIV асрларга оид асарларнинг баъзи бир грамматик хусусиятлари эски ўзбек адабий тили ва унинг ҳозирги замон диалектларида учраб туради.

Биз келтирилган мулоҳазаларга кўра, адиб Аҳмад Юғнакий «Ҳибатул-ҳақойиқ»да кўрсатиб ўтган «кошғар тили» бирикмаси у давр уйғур тилига нисбатан қўлланмай, балки XI—XIV асрлардаги ёки Қорахонийлар давридаги адабий тилга нисбатан қўллангандир, деган хулосага келдик.

Қ. Маҳмудов
филология фанлари кандидиси

Илоҳий, ўқуш ҳамд аюрман сенга,
Сенинг раҳматинггин умарман унга.

Эй таңғрим, сенга кўп ҳамд-сано айтаман, энг
олдин сенинг раҳматингдан умидворман.

Сяному аюғай сазо бу тилим,
Унарча аёйин ёри бер менга.

Бу гуноҳкор тилим сано айта оладими, юкуниб
сўзлайин, менга кўмак бер.

Сенинг борлигингга тануғлуқ берур,
Жумат жон(а)вор учқан югурган нинг-а,

Жонли, жонсиэ табиат, учадиган ва югуради-
ган нарсалар сенинг борлигингга гувоҳлик берур.

Сенинг борлигингга далил арқаған,
Булур бир кенг ичра далиллар минг-а.

Бир нарса ичида сенинг борлигингни исбот-
лайдиган далиллар минглаб топилади.

КЕНГАЙИШ, ҚИСҚАРИШ, ҲЗГАРИШ ВА ДУНЁНИНГ БИРЛИГИ ҲАҚИДА

Йўқ эрдим яраттинг яна йўқ қилиб,
Иккинч бор қилурсан муқирман мунга.

Йўқ эдим, яратдинг, яна йўқ қилиб, қайта (иккин-
чи) вужудга келтирасан, бунга иқрорман.

Аё шак йўлида йелигли удун
Кел ўттин ўзунг юл ўлумтин ўнга.

Эй, шак-шубҳа йўлида кун кечирувчи, уйғон,
ўлимдин олдин ўзингни ўтдан (жаҳолатдан) торт

Яратти уғоним тунунг, кундузунг,
Ўтуб бир бирига юрур ўнг, сўнга.

Тангрим тунни, кундузни яратди, (у) шарқдан
ғарбга томон ўтиб, бир-бири билан алмашилиб
туради.

Тунатур тунунгни кунунг, кетариб,
Тунунг кетариб боз ёрутур тонгга.

Тунингни кундузига, кундузингни тунга ўзгартириб
яна тонг оттира беради.

ЎЛИК ВА ТИРИКНИНГ АЛМАШИНИШИ ҲАҚИДА

Ўлуктин тирик, ҳам тириктин ўлук,
Чиқарур кўрарсан мўни кед онга

Тирикдан ўлик, ўликдан тирик чиқаради, буни
яхши англа.

Бу қудрат идиси улуғ бир баёт,
Ўлуқларни тиргузмак осон анга.

Бу улуғ қудратли бир тангридир, ўликларни тирилтирмоқ унга осондир.

Эшит эмди қач байт ҳабиб фазлитин,
Уқуш ҳуш етитиб сўзумни анга.

Энди, ҳабиб (пайғамбар) фазли ҳақида бир қанча байт эшит, ақлу ҳушингни йиғиб сўзларимни англа.

Ул ул халқда йиғи киши қутлуғи,
Тўратмишда йўқ бил анга туш тенга.

У эл орасидаги яхши кишиларнинг қутлисидир,
яратилганлар ичида унга тенг келувчи (киши)
йўқдир.

Расуллар ўрунг юз ул, ул юзра кун,
Ё анлар қизил менг, бу энга менга.

Расуллар қизил юзлидирлар, у юздаги қуёш ёки нордир, бу бетга нур берувчи манбадир.

Анинг мадҳи бирла татир бу тилим,
Анинг ёди бирла шакар шаҳд анга.

Унинг мадҳи билан тилим чучийди, Ёди (тилимга)
шакар ва асал бағишлайди.

Бу кун тек су(в) ментик дўруд ўл ярин,
Элик туттачимга згирса мунга.

Ўша кунга етказса (айлантирса), қиёматда шафоат
қўлини узатувчимга бу кун (мендан) мадҳу санолар
бўлсин.

ТҮРТ ХАЛИФАНИНГ МАДҲИ ҲАҚИДА

Йема тўрт эшинга этурман салом,
Улартин усанмақ қачон ўл менга.

Яна тўрт халифага салом айтаман, улардан ўзим-
ни ҳеч қачон четда тутмасман.

Содиқ бирла Форук учунч Зайин-нурин,
Али тўрт(и)ланч ул эриксиз тўнга.

Содиқ билан Форук, учинчиси Зайн-нуриндир,
Али тўртинчисидир, қўрқмас баҳодирдур.

Ким эрса бу тўрт эшка бад эътиқод,
Тутар эрса минг лаън этурман анга.

Бу тўрт халифага кимнинг эътиқоди ёмон бўлса,
унга минг лаънат айтаман.

Илоҳий кечурган идимсан кечур,
Неча маъ хатолик қул эрсам сенга.

Эй тангрим, кўп хатога йўл қўйган қулинг бўлсам
ҳам, кечириб келган эгамсан, кечир.

Менга бўлса фазлинг қутулди ўзум,
Агар бўлса адлинг қаттиқлик менга.

Фазилатинг, адолатинг менга насиб бўлса, бо-
шимга тушган қийинчиликдан қутулиш учун ётар-
лидир.

УЛУҒ АМИР ДОД СПОҲСОЛОРБЕК ТАНГРИ ЕРЛАҚАҒУРНИНГ МАДҲИ ҲАҚИДА

Аё тил, турат мадҳ, ўтунгил қани,
Мен артут қилайин шоҳимга ани.

Эй тил, мадҳ қил, қани баён эт, мен уни шоҳимга
совға қилайин.

Шоҳим мадҳи бирла безадим китоб,
Уқуғли кишининг севунсун жони.

Уқимишли кишининг руҳи севинсин (деб) шоҳим
мадҳи учун китоб безадим (ёздим).

Уга билмас эрга ўга ўгратур,
Анинг бирри жуди бадиъ эҳсони.

Йўл-йўриқ билмас кишига билим ўргатади, йўл
кўрсатади, унинг вужуди эҳсонга тўла, ҳиммати
баланддир.

Ул ул ақл, уқуш, ҳуш хирадқа макон,
Билик маъдани ҳам фазилат кони.

У ақл, ҳуш, яхши хислат маконидир, билим манбаи
ҳам фазилат конидир.

Симақтин эдизрак тутар ҳиммат ўл,
Саҳоси муқарим йика дармони.

Унинг ҳиммати Симак юлдузидан баландроқ, са-
ховатда етук, дардга дармони таъсирлидир.

Раъиятқа мушфиқ салимтин ҳалим,
Ва лекин бушарда шар(р)а арслоний.

Раиятга (халққа, дехқонларга) шафқатли, яхши
муомилали бўлиб, ғазаб қилганда арслон каби-
дир.

Салобат ичинда Умар тек жувон,
Саховат, самоқат тутар Усмоний,

Салобат ва қувват бобида Умардек навжувон,
Кучлидир, саховатда эса Усмондек юксакдир.

Тетикликда кенду(в) вёзтин ўзуқ,
Дод инсоф тутар чин Ануширвоний,

Унинг тетиклиги, сезгирлиги вёз (фазо)дан юксак,
инсоф ва додга етишда Нўширавондекдир.

Анинг бахшишиндин булут ўпанур,
Бу сўзни бутун чин тутар тушмани.

Унинг саховатидан булутлар уялур, душмани эса
унинг бу хислатларига аминдир.

Аё шоҳим, эртамларин саноғин,
Сонурму эдиэ қум ушоқ тош сани.

Эй, шоҳим фазилатларингнинг саноғини қум, тош
уюми каби ҳисобига етиб бўладими?

Сиёсат риёсат, киёсат карам,
Саёдат ула адл эшит уқ муни.

Сиёсат, бошқарув ва раҳбарлик ишларида (у) йўл
кўрсатувчи (машъал)дир, буни эшит, тингла.

Яна мажд, мурувват, футувват уғон
Ато қилди шоҳимга бу жумлани.

Яна ҳар ишга қодир, мурувватли, саховатли улур
тангри бу барча хислатларни шоҳимга ато қилди.

Укуш оз теб аймас бедизлар тенгиз,
Булут ҳадя қилса ушоқ қатрани,

Агар булут бир томчи сувни ҳадя қилса, денгиз
оз ёки кўп демай, тўлқинлана беради.

Тенгизтин каримрак шоҳим минг қата,
Қабул қилса тонг йўқ, бу аз ҳадяни.

Денгиздан минг қайта улуғ шоҳим бу оз ҳадяни
қабул қилса, ажаб эмас, деб умид қиламан.

БУ КИТОБНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ ВА ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА

Дод Споҳсолорбек учун бу китоб,
Чиқартим очунда оти қолсу(в) теп.

Дунёда номи қолсин деб, Споҳсолорбек учун
бу китобни ёздим.

Китобимни кўрган, эшитган киши,
Шоҳимға дуо бирла ёд қилсу(в) теп.

Китобимни ўқиган, кўрган, эшитган киши шоҳимни
дуо билан ёд қилсин деб (ёздим).

Ҳединги келигли кишилар аро,
Анинг, зикри тонгсуқ эдиз қолсу теп.

Келгуси авлодлар учун унинг номи мангу эсдалик
бўлсин деб (ёздим).

Анинг, вудди бирла кўнгуллар тўлуб,
Анинг ёди бирла очун тўлсу теп.

Унинг муҳаббати билан кўнгиллар тўлиб, ёди би-
лан дунё тўлсин деб (ёздим).

Безадим китоби мавоиз масал,
Боқигли, ўқуғли осие олсу(в) теп.

Ўқимишли, саводли (кишилар) ундан фойдалан-
син, деб қўлланма учун китоб безадим (ёздим).

Белак эттим ани шоҳимга мен-ўк,
Ҳаводорлиғимни тугал билсу теп.

Мен буни муҳаббатимни яхши (тугал) билсин деб
шоҳимга тортиқ қилдим.

БИРИНЧИ БЎЛИМ: ИЛМ МАНФААТИ, ЖАҲОЛАТНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

Биликтин аюрмон сўзумга ула,
Биликлякка, ё дўст ўзунгни ула.

Билим ҳақида сўзлайман, сўзимга қулоқ сол,
илмли кишига ўзингни яқин тут.

Билик бирла бил(и)нур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлини була.

Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра,
илмли бўл, бахт йўлини изла.

Баҳолик динар ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши.

Билимли киши (қиммат) баҳолик динордир,
илмсиз, жоҳил киши қимматсиз емишдир (мева-
дир).

Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур,
Биликлик тиши эр жоҳил эр тиши.

Билимлик киши билан билимсиз одам қачон тенг бўлади, билимлик хотин киши — эр кишидир, билимсиз эркак — хотин кишидир.

Сўнгакка тек эранга билик,
Эран кўрки ақл ўл, сўнакнинг й依лик.

Сўнгакда илик бўлиши лозим эканлиги каби эр кишига билим керакдир, эр кишининг кўрки ақлдир, сўнгакнинг кўрки эса иликдир.

Б依ликсиз й依ликсиз сўнгак тек холи,
Й依ликсиз сўнгакка сунулмас элик.

Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакка эса қўл урилмайди.

Б依лик билти бўлти эран белгулук,
Б依ликсиз тирикла йитук кўргулук.

Илмли кишиларнинг (номи) машҳур бўлди, билимсиз (кишилар) эса тириклайин ўлди ҳисоб ва бу ўнга кўргуликдир.

Биликлик эр ўлти оти ўлмату,
Биликсиз эсон эркан оти ўлук.

Билимли киши ўлса ҳам, унинг номи ўчмайди,
илмсиз кишининг ўзи ҳаёт бўлса ҳам, оти ўлик-
дир.

Биликлик биринга биликсиз мингин,
Тенгакли тенгади биликнинг тенгин.

Билимликнинг бири билимсизнинг мингига тенг,
илмли кишилар илмнинг қадрига етади.

Боқа кўргил эмти уқа синайю,
Не ненг бор биликтин осифлиқ ўнгин.

Энди ўзинг синаб, ўқиб, боқиб кўр, билимдан
фойдалироқ қандай нарса бор.

Билик бирла олим юқор йўқлади,
Биликсизлик эрни чўкарди қўди.

Билим билан олим кўтарилди, илмсизлик эса ки-
шини тубанлаштирди.

Билик бил ўсанма бил ул ҳақ расул,
Билик кимда эрса сиз арқанг теди.

Билимли бўл, ҳеч қачон эринма, ҳақ расули (пай-
ғамбар) ким илмли бўлса, уни сиз мақтанг деб
айтди.

ИЛМ УРГАНИШ ҲАҚИДА

Биликлик биликни адраган бўлур,
Билик татғин эй дўст биликлик билур.

Билимли киши илмни фарқлайди, эй дўст, илм
қадрини билимли одам билади.

Билик билдурур эрга билик қадрини,
Биликни биликсиз удун не қилур.

Билимнинг қадрини кишига илм билдиради, би-
лимни нодон, тубан киши нима қилади.

Биликсизга ҳақ сўз татиқсиз эзур,
Анга панд-насиҳат осифсиз эзур.

Илмсизга тўғри сўз маъносиздир, унга ўғит-насихат фойдасиздир.

\\ Не турлук ариқсиз арир, юв деса,
Жоҳил юп аримас ариқсиз эрур.

Бир қанча ювиқсизларга ювиниш учун буюрилса тоза бўлур, аммо жоҳил қанча ювинмасин пәк бўлмайди.

Биликли киши кўр билур иш ўзин,
Билиб этар ишни ўкунмас кендин.

Билимли киши ўз ишини билиб қилади, билиб қилган ишига кейин ўкинмайди.

\\ Не турлук иш эрса биликсиз ўнги,
Укунч ул анга йўқ унга анда ўдин.

Қандай иш бўлмасин билимсиз наздида ўнг кўри-нади, унга ташвиш, қайғудан бошқа чора йўқ.

Биликлик кераклик сўзин сўзлаюр,
Кераксиз сўзини кўмуб кизлаюр.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз
сўзни кўмиб яширади.

Биликсиз не айса аюр уқматин,
Анинг ўз тили ўз бошини еюр.

Билимсиз киши нима гапирса, нодонлиги сабабли
сўзлайди, шунинг учун унинг тили ўз бошини
ейди.

Билик бирла бил(а)нур тўраткан иди,
Биликсизлик ичра хайр йўқ теги.

Яратган тангри илм билан танилади, илмсизлик
яхшилик келтирмайди, деган.

Билик билмагандин бир анча будун,
Уз элгин бут этиб идим бу теги.

Илмсизликдан кўп кишилар ўз қўлини бут қилиб,
тангрим бу деди.

Биликлик сўзи панд-насихат, адаб,
Биликликни ўгди Ажам ҳам Араб.

Билимли кишининг сўзи ўғит-насихат, адабдир,
шунинг учун илмиларни Араб, Ажам олқишлади.

Таворсизга билги туганмас тавор,
Ҳисобсизга билги ёрилмас ҳисоб.

Молсиз фақир кишига унинг илми туганмас бой-
ликдир, ҳисобсизга унинг билими ечилмас (очил-
мас) ҳисобдир.

ИККИНЧИ БУЛИМ: ТИЛНИ ТИЙИШ ВА АДАБ-АҲЛОҚ ҲАҚИДА

Эшитгил биликлик негу теб аюр,
Адаблар боши тил кудазмак турур.

Билимли киши нималарни сўзлайди, сен унга қу-
лоқ сол, адаблар боши тилдир, уни тиймоқ за-
рур.

Тилинг бекта тутғил тишинг синмасун,
Қоли чиқса бекта гишингни сиюр.

Тилингни тий, тишинг синмасин, агар (сўзлаб юборсанг) (тилинг) чиқиб қолса, тишингни синдиради.

Сонип сўзлаган эр сўзи сўз соғи,
Укуш янгшағон тил ай олмас ёғи.

Уйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

Сўзунг бушлуғ зсма йиға тут тилинг,
Етар бошқа бир кун бу тил бушлуғи.

Сўзингни бўш қўйма, тилингни тийиб тут, эрк берилган тил бир кун бошингга етади.

Хирадлиқму (в) бўлур тили буш киши,
Телим бошни еди бу тил сўз буши.

Тили бўш, захар кишининг ақли етук бўладими?
Тил ва сўз бўши кўп кишиларнинг бошини еди.

Учуктурма эрни тилин бил бу тил,
Бошоқ турса бутмас бутар ўқ боши.

Кишини ўчакиштира (ўчаштира) (унинг) тили-
ни бил, бу тил яраланса (бузилса) тузалмайди, ўқ
яраси эса битиб кетади.

УҚ ЯРАСИ, АҚЛДАН ОЗИШ, ТИЛ ЖАРОҲАТИ ВА УНИ ТИЙИШ ҲАҚИДА

Сафиҳ эр тили ўз боши душмани,
Тилиндин тўкулди телим эр қани.

Аҳмоқ кишининг тили ўзига душман, кўп киши-
ларнинг қани тили туфайли тўкилди.

Укуш сўзлаганда ўкунган телим,
Тилин беклаганда ўкунган қани.

Кўп сўзлаганлар ичида ўкинган кўпдир, тилни тий-
ганлар орасида ўкинган борми, қани?

Неким келса эрга тилитин келур,
Бу тилтин ким эдгу, ким оқир бўлур.

Киши бошига тушган ҳар қандай иш унинг тили туфайли содир бўлади, бу тил сабабли айримлар яхшилик, айримлар ёмонлик кўради.

Эшит бут бу сўзга қамуғ тенг-да тенг,
Кўдуб тилга юк(а)нуб тазарру қилур.

Бу сўз (ўғит-насиҳат) барчага тенг, (улар сўзни) тилга жо қилиб сиғинадилар,

Кудазгил тилингни, кел оз қил сўзунг,
Кудазилса бу тил кудазлур ўзунг.

Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса,
ўзинг ҳам сақланасан.

Расул эрни ўтқа юзин отқучи,
Тия ўл теди йиғ тил юл ўттин ўзунг.

Расул кишини ўтга ташловчи тилдир, деб айтди, шунинг учун тилингни тий, ўзингни ўздан торт.

Ики ненг бирикса бир эрди қоли,
Буканди ул эрга мурувват йўли.

Бир кишида икки нарса бўлса, у кишига мурувват
йўли ёпилди.

Бир ул янгшар эрса кераксиз сўзин,
Иккинч ялғон эрса ул эрнинг тили.

Биринчидан беҳуда сўзлар билан вайсаса, иккин-
чидан, бу кишининг сўзлари ёлғон бўлса... (ундай).

Тили ялғон эртин йироқ тур теза,
Кечур сен-ма умрунг кўнилик уза.

Ёлғончи кишидан ўзингни узоқ тут, умрингни сен
тўғрилиқ билан кечир.

Оғиз тил безаги кўни сўз турур,
Кўни сўзла сўзни дилингни беза.

Оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир, сўзни тўғри
сўзла, дилингни беза.

Кўни сўз асал тек бу ялғон басал,
Басал еб ачитма ағиз е асал.

Тўғри сўз асал кабидир, ёлғон (сўз) саримсоқ пи-
ёздир, саримсоқ пиёз еб, оғизни ачитма, асал
егин.

Ё ялғон сўз йигтек кўни сўз шифо,
Бу бир сўз ўзағи урулмиш масал.

Ёлғон сўз касаллик кабидир, чин сўз шифодир, бу
сўз тўғрисида шундай масал тўқилган.

Кўни бўл, кўни қил, отин кўни,
Кўни тею билсун халойиқ сени.

Тўғри бўл, тўғри иш қил, тўғри деб ном чиқар:
халойиқ сени тўғри деб билсин.

Кўнилик тўнин кий, қўюб эгрилик,
Кедим тўн тўлуси кўнипик тўни.

Тўғрилиқ тўнини кий, эгрилик тўнини еч, киядиган
(кийим) тўннинг яхшиси тўғрилиқ тўнидир.

Қатиф кизла розинг киши билмасун,
Сўзунгтин ўзунгга ўкунч кел(а)масун.

Сирингни маҳкәм тут, (уни) киши билмасин, сў-
зингдан ўзингга ўкинч (пушаймон) келмасин.

Қамуғ яшру ишинг бўлуб ошкора,
Бу кўрган эшиткан сенга кул(а)масун.

Барча яширин ишларинг ошкора бўлиб, кўрган,
эшитган (киши)лар сенга кулмасин.

Эшим теб инонил сир айма сақин,
Неча ма инончилик эш эрса яқин.

Дўстим деб, ишониб сир айтма, эҳтиёт бўл, гар-
чи қанчалик яқин, ишончли дўстинг бўлса ҳам.

Сериб сенда розинг сингиб турмаса,
Серурму эшингда муни кед сақин.

Сиринг (розинг) ўзингда сақланиб, сингиб турма-
гач, у дўстингда сақланмайди, буни яхши ўйлаб
кўр.

УЧИНЧИ БУЛИМ: ДУНЁНИНГ УЗГАРИБ ТУРИШИ ҲАҚИДА

Бу очун работ ул тушуб кўчгулук,
Работқа тушукли тушар кўчгулук.

Бу дунё кўниб яна кетадиган работдир, бу работ-
га тушиб ўтувчилар кўниб кета беради.

Унг арқиш узади кўпуп йўл тутуб,
Ўнги кўпмиш арқиш неча кўчгулук.

Олдинги карвон йўл босиб ўзиб кетди, (шу) ол-
динги карвон неча манзилни (босиб) ўтди.

Бу дунё сўнгида югурмак неча,
Хасис ненгтин ўтру(в) теп ўзунг куча.

Бу дунё (бойлиги) орқасидан қанча (кишилар)
югурмоқда, хасис ҳам нарса (бойлик) фойдали
деб ўзини қийнайди (ўзига зўр беради).

Нелук молға мунча кўнгул боғламоқ,
Бу мол келса арта борур боз кеча.

Бунча ҳам молга кўнгил қўймоқ не керак, бу
бойлик келса кўпаяди, озаяди ва йўқ бўлади.

Кўнгултин чиқарқил тавор суқлуқин,
Кедим бирла теб тут қорин тўқлуқин.

Кўнгилдан молга бўлган суқликни чиқар, фақат
кийим билан қорин тўқлигини кўзла.

Бу бойлиқ чиғойлиқ озуқ йўқлуғи,
Чиғойлиқ теп айма озуқ йўқлуғин.

Бойлик, камбағаллик бу емиш-озуқ йўқлигидир,
(аслида) озиқ-овқат йўқлигини қашшоқлик деб
айтма.

Бу дунё нонгитин егу кедгулук,
Ул ортуқ тилама вабал ютгулук.

Бу дунё бойлигидан егулик, кийгулик бўлса етар-
ли, ортиқча тилама, унинг ошиқчаси зиён ва офат
келтиради.

Ториқлик теп айди очунни расул,
Ториқликда қот(и)лан тори эдгулук.

(Расул дунёни экинзор, деб атади. Экинзордан
пишган яхшилик уруғини тер.) Деҳқончилик билан
шуғулланган кишиларнинг озуқаси яхшиланади,
деб айтди.

Бақосиз эрур бу очун лаззати,
Кечар ел кечартек маза муддати.

Бу дунё лаззати бебақо, унинг мазали кечган пай-
ти елдек ўтиб кетади.

Йигит қўжа бўлур янги эскирур,
Қави эрса қамлур, қочар қуввати.

Янги эскиради, йигит қарийди, (бели) қувватли
бўлса букилади, кучи кетади.

Бу кун бор ёрин йўқ бу дунё ненги,
Менинг демишинг ненг одинлар ўнги.

Бу дунё бойлиги бугун бор бўлса, эртага йўқ бўлади, сен меники деган нарсалар бировларга қолади.

Қамуғ тўлган эслур тугал эксилюр,
Қамуғ ободоннинг хароб ўл сўнгни.

Барча тўлган нарсалар озаяди, емирилади, бутун обод ерлар оқибатда хароб бўлади.

Неча ер бор эрди сиғишмас эри,
Эри барди, қолди қуруғ тек ери.

Қанча обод ерлар бор эди, халқи сиғишмас эди,
халқи йўқ бўлди, жойлари бўш, эгасиз бўлиб қолди.

Неча доно эрди неча файласуф,
Қани бу кун анлар мингинда бири.

Қанчадан қанча доно, файласуфлар бор эди, энди уларнинг мингдан бири йўқ.

Очун кулчерар боз элин қош четар,
Бир элкин тутиб шаҳд бири заҳар қотар.

Дунё кулиб боқади яна қош ва манглайи билан
ҳўмраяди; бир қўли билан бол тутса, иккинчи қў-
ли билан заҳар қўшади.

Асал татруб элкин тамоғ татиртиб,
Көдинги қадаҳқа сунуб заҳр қотар.

Қўли билан асал едириб, таомни лаззатли қилиб,
кейинги қадаҳга эса заҳар қўшиб беради.

Сучук таттинг эрса ачиққа анун,
Бирин келса роҳат, келур ранж ўнун.

Ширинлик тотисанг ачиққа йўй, кишига бир йўл
роҳат келса, орқасидан ўнлаб қийинчилик келади.

Аё ранж қатиғсиз сўрур умғучи,
Бу очун қачон ул умунчқа ўрун.

Эй, ранж ва қийинчиликсиз роҳат истовчилар,
дунёда умид қачон амалга ошган.

Йилонтек бу очун йилон ўғлағу,
Йўмоққа юмшоқ ичи бўр оғу,

Бу дунё аврайдиган илон кабидир (уни) ювош,
юмшоқ деб йўйсанг, ичи аччиқ ичимлик каби оғу-
дир.

Йилон юмшоқ эркан ёвуз феъл тутар,
Йироқ турғу, юмшоқ теб инонмағу.

Илон юмшоқ, ювош бўлиб кўринса ҳам, ёмон
феъллидир: ювош деб инонмасдан, ундан узоқ
туриш керак.

Бу очун кўр эрга кўрумлук тоши,
Ва лекин ичинда ҳазор нохуши.

Кўргин, бу дунё сиртдан кишига жуда кўркамдир,
ички томони эса минглаб ёқимсиз нарсалардан
иборат.

Боқип тош безакин кўруп сен мунга,
Кўнгул боғламоқ бил хатолар боши.

Дунёнинг кўркли ташқи гўзаллигини кўриб, унга кўнгил қўймоқ (сөнгә) хатоликларнинг бошланишидир.

ДУНЁГА МУҲАББАТ ҚЎЙИШ ХАТОЛАРНИНГ БОШИ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА

Ниқоб кўтрур очун бирар юз очар,
Ёзар қўл қучар тек яна терк қочар.

Ниқоб кўтарилади дунё юзини бир оз очиб кўрсатади, гўё қучмоқчи бўлиб қўлларини очади ва яна қочади.

Ёринғи булуттек ё туштек холи,
Дарангсиз кечар бахт ё қуштек учар.

Ўткинчи кўклам булутидек ё тушдек қуруқдир,
бахт тўхтовсиз ўтади ёки қушдек учиб
кюради.

ТҮРТҮНЧИ БҮЛИМ: САХОВАТ ВА БАХИЛЛИК ОҚИБАТИ ҲАҚИДА

Аё дўст, биликлик йизин излагил,
Холи сўзласанг сўз, билиб сўзлагил.

Э дўст, билимли киши изидан бор, агар сўзласанг,
ўйлаб, билиб сўзлагин.

Ахи эрни ўггил ўгар эрса сен,
Бахилға қатиг ё ўқун кизлагил.

Мақтасанг сахий кишини мақтагин, бахил кишига
қаттиқ ёй ўқини сақлаб қўйгин.

Қамуғ тил ахи эр саносин аюр,
Ахилиқ қамуғ айп кирини ююр.

Ҳамманинг тили саховатли кишининг маддини қи-
лади, сахийлик кишиларнинг барча камчиликлари-
ни ювиб кетади.

Ахи бўл сенга сўз сўкунч келмасун,
Сўкунч келгу йўлни ахилиқ тижор.

Сахий бўл, сенга лаънат келмасин, лаънат келти-
радиган йўлни саховат беркитиб қўяди.

Эгилмас кўнгулни ахи эр эгар,
Тегилмас мурадқа ахи эр тегар.

Юмшамас кўнгилни сахий юмшатади, етиб бўл-
майдиган муродга сахий киши зриша олади.

Бахиллиқни қани ўгар тил қаю,
Ахиллиқни ҳам хос тузу ҳақ ўгар.

Бахиллиқни мақтовчи тил топилмас, сахийлиқни
хос кишилар (аъёнлар) ва бутун халқ
мақтайди.

Ахи эр билиқни ета билди кўр,
Анин сотти молин сано олди кўр.

Сахий кишилар билимнинг қадрига ета билганини,
шунинг учун бутун молини сотиб мақтов, олқиш
олганини кўр.

Тирилди уламсуз уламай бўлуб,
Очунда от эдгу қудуб борди кўр.

Дунёда умри қисқа бўлган киши яхши ном қолдириб узоқ яшаб турганини кўр.

Бахил йиғди зар, сим ҳароматин ўқуш,
Вабал кўтру борди узала сўқуш.

Бахил киши меҳнатсиз ҳаром йўл билан кўп олтин, кумуш йиғди, натижада у дунёга лаънат ва бадномлик орттириб кетди.

Улуш бўлди моли кишилар аро,
Бахил олди андин сўқунчтин улуш.

Унинг моли кишиларга тақсим бўлди, бахил эса (ундан) фақат сўқиш, лаънатгагина эга бўлди.

Аё мол идиси, ахи эдгу эр,
Баёт берди эрса сенга, сен-да бер.

Эй, яхши, саховатли мол эгаси, сенга тангри берган бўлса, сен ҳам бер.

Йирилган, сўкулган терип бермаган.
Алол берур эрсанг неча терса тер.

Мол йиғиб бировларга инъом бермаганлар, лаъ-
нат ва сўкишга сазовордирлар, агар сен инъом
қилиб турсанг, қанча мол-дунё йиғсанг йиғавер.

Табъиатта йиги от айибсузи,
Ахилиқ эрур бил бухул кўркусузи.

Дунёда яхши ва нуқсонсиз ном сахийликдир, ба-
хил эса кўркусиз от эканлигини бил.

Эликларда қутлуғ беригли элик,
Олип бермаган эл элик қутсизи.

Қўллар ичида инъом берувчиси бахтли (қўл)дир,
ўзи олиб бошқаларга бермаган (қўл) қўлларнинг
қутсизидир.

Бахиллик ўталап ўнгалмас йиг ул,
Бэримдин бахил элги кед берклик ул.

Бахиллик дори билан даволаб бўлмас касаллик-
дир. Бахилнинг қўли саховат, ҳадя учун ёпиқдир.

Йиғип кўнгли тўймаз кўзи суқ бахил,
Қул ул молға моли ангар эрклик ул.

Кўзи оч бахил киши қанча мол тўпласа ҳам, кўнгли тўлмас, у мол-дунёнинг қули, давлати унинг устидан ҳукмрондир.

Бу будун тўлуси ахи эр турур.
Ахилик шараф, жоҳ, жамол ортурур.

Халқнинг етуги сахий кишидир, сахилик шараф, мартаба ва камолотингни орттиради.

Севулмак тиласанг, кишилар аро,
Ахи бўл, ахилиқ сени севадурур.

Кишиларнинг муҳаббатини ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл, саховат сени севикли қилади.

Бахил нокас удун тавор пасбони,
Йиғар, емас-ичмас, тутар берк ани.

Бахил, нокас, олчоқ, тубан киши, ўз молининг пасбонидир, бойлик йиғиб, уни емай, ичмай сақлайди.

Татурмас ошин-да туз дўстина,
Улур қолур ахир еюр душмани

Ҳаёт пайтида дўстига ошини, тузини тоттирмайди,
ўзи ўлгач, моли қолади, сўнг унинг моли душма-
нига буюради.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ: ТАВОЗЕЪЛИК МАНФААТИ, КИБРЛИК ВА ҲАРИСЛИКНИНГ ЗАРАРИ ТУҒРИСИДА

Яна бир кераклик сўзум бор сенга,
Аёйин мен ани, қулоқ тут менга.

Яна бир сенга кераклик сўзим бор, мен уни ай-
тайин, сўзимга қулоқ сол.

Сўз улдур такаббурни боштин солип,
Тавозеъни берк тут ёпуш кет анга.

Такаббурлиқни бошдан ошириб ташла, тавозеъга
қаттиқ амал қил, унга ўзингни яқинлаштир.

Такаббур қамуъ тилда йирлур қилиғ,
Кидиқларда эдгу қилиқ хуй (қўй) қилиқ.

Такаббур қилиғи барчанинг тилида нафрат қўзғатади,
мулойимлик зағу нарсадир.

Ул эрким улугсинди мен-мен деди,
Ани не халойиқ севар, не холиқ.

Кимда-ким манман деб, ўзини баланд тутса, уни
на халқ, на тангри севади.

Қамуғ қазғониқли очун молини,
Еюмади борди кўрунг ҳолини.

Дунё молини тамоман тўплаган киши, уни ея олмай
ўлиб кетди, унинг ҳолини кўринг.

Тишиси қолип бир один эр била,
Ул анда ётибон берур сонини.

Хотини бу дунёда бир ёт эркак билан қолиб, эри
эса гўрда ётиб ҳисоб беради.

Такаббур либосин кийип оз солин,
Кериб халқда кўксунг, озурлаб тилин.

Кибрлик либосини кийиб, кўксингни халққа кериб,
тилинг билан озор беришдан сақлан.

Мўминлик нишони тавозеъ эрур,
Агар мўмин эрсанг, тавозеъ қилин.

Мўминликнинг нишони тавозеъдир, агар мўмин
бўлсанг, тавозеъ қилгин.

Тавозеъ қилиқни кўт(у)рур иди.
Такаббур тутар эрни кемшур кўди.

Художўй, мулойим қилиқни худо ҳам ёқтиради,
такаббур кишини тубанлаштиради.

Улуғсинма зинҳор улуғ бир баёт,
Улуғлуғ менингсиз олинманг теги.

Ўзингни зинҳор улуғ тутма, улуғ бир тангрининг
ўзидир. У улуғликни менсиз олишга уринманг деб,
айтган.

ТАВОЗУЪКНИ ОШИРИШ ВА КИБРЛИКНИ ТАШЛАШ ТУҒРИСИДА

Тавор бирла эрса улугсиндуғунг,
Улуглуғ тавору элик сундуғунг.

Кибрлик қилишинг мол-дунё туфайли бўлса, кибр-
га қўл чўзишинг (ҳам мол-дунё) туфайлидир.

Тавор осиф немиш борурсан ялинг,
Қолур бунда киссанг, сапат сондуғунг.

Мол-дунёнинг фойдаси нимага арзийди (ўлганда)
яланғоч кетасан, ҳамёнинг, тўрванг, сандиғинг
қолиб кетади.

Агар кибр идиси асилман деса,
Аёйин мен анинг жавобин кеса.

Такаббур асилман деб айтса, мен унга кескин жа-
воб берайин.

Ота бир она бир уялар бу халқ,
Тафовутлари йўқ ўта ўт теса.

Бу халқ наслининг ота, онаси бир, у дунёда зотан
ораларида фарқ бўлмайди.

ОДАМ АТО ВА МОМО ҲАВОДАН ИБРАТ ОЛИШ ҲАҚИДА

Йима пандим олғил узатма амал,
Амал асрасин-да пусуқли ажал.

Яна ўғит-насиҳатимни олгин, узоқ амал (ўйлов)га
ботма, амал (ўйлов) замирида ажал яширинган
бўлади.

Амал темишим, дўст, узун сонмоқ ул,
Узун сонма соқиш ўқиш қил амал.

Амал (ўйлов) деб айтган нарсам, эй дўст, бу кўл
ўйлашдир, сен кўп ўйланиб ўтирма, кўпроқ (иш)
қил.

Аюрсан кедим, тўн, шароб, ош керак,
Телим мол, ўкуш қул қаровош керак,

Кийим, тўн, шароб, ош, кўп мол-дунё, хизматкор
қул керак деб айтасан.

Агар йиғдинг эрса умурлуқ тавор,
Бурун бошқа бўркни кияр бош керак.

Агар бир умрга етадиган мол-дунё йиққан бўл-
санг, энг аввал бўрк киявчи бош керак.

Ҳарислиқ ма эрга ёвуз хислат ул,
Ҳарислиқ сўнги ғам ўқунч ҳасрат ул.

Мол-дунёга ҳирс қўйиш кишига ёмон хислатдир,
ҳарисликнинг сўнги ғам-ғусса, ҳасратдан иборат.

Бу бойлиқ, чиғойлиқ иди қисмати,
Ҳарисликтеқ эрга қуруғ заҳмат ул.

Бу бойлик, камбағаллик худонинг қисматидир
(Буйруғидир), ҳарислик кишилар учун фақат заҳ-
матдир.

ҲАРИСЛИК ҲАҚИДА

Ҳарис тўймас очун негини терип,
Ҳарислик қаримас идиси қарип.

Ҳарис дунё молини йиғиб тўймас, ҳарис одам
қариса ҳам, унинг ҳарислиги қаримас.

Ҳарисликни кўюр ҳарис эр қачон,
Ўлуб йитса, тупроқ ичига кирип.

Ҳарис киши ҳарисликни фақат ўлиб, тупроққа
киргач қўяди.

Ҳарис терип эрмас усонмас бўлур,
Ҳарислик игининг эмин ким билур?

Ҳарис киши мол йиғишда эринмас, тинмас бўлади,
ҳарислик касалининг давосини ким билади?

Хабар бор берилса агар одами,
Ики қўл динорни ул ўн қўл қилур.

Агар бирор киши томонидан (даромад манбаи ҳақида) хабар берилса, у икки ҳовуч динорни ўн ҳовуч қилади.

**КИШИЛАРНИНГ ИККИ «ВОДИЙ»
ТҶЛА ОЛТИНИ БҶЛСА ҲАМ,
УЧИНЧИСИНИ ИСТАШИ ҲАҚИДА**

Аё ҳирс идиси ҳарислиқ керак,
Аю(в) бер, менга бу негуға керак?

Эй дунёга ҳирс қўйган киши, қани менга айтиб
бер, ҳарислиқ нега керак?

Тор эрса, кенг эрса битилди рўзинг,
Ҳарислиқ қилу(в)му(в) муни эдгурак.

Пешанангга тор ёки кенг бўлса ҳам ризқинг ёзип-
ган. Ҳарислиқ қилиб, буни яхшилаб бўладими?

ДУНЁ НЕЪМАТЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТИ ҲАҚИДА

Кўки кўрклуб эрнинг хўйи кўрклуб ул,
Бу кўрклуб қилиққа кўнгул эрклик ул.

Асли тоза кишининг қилиғи кўрклидир, бу ёқимли
хулққа кўнгил мойил бўлади.

Бир эртин бир эрга тафовут телим,
Ва локин кўр эрга тузи бўрлук ул.

Бир кишидан иккинчи кишининг тафовути кўпдир.
Аmmo кўра билмас киши учун тўғри нарсалар
буркачган бўлиб кўринади.

СўНГГИ БЎЛИМ: АХЛОҚНИНГ КАРОМАТИ, ҲАРИСЛИКНИ ТАШЛАШ ҲАҚИДА

Бутун қилғи феълин ўта иртагил,
Карам кимда бўлса, ани эр тегил.

(Кишиларнинг) ҳамма феълени тугал кузатгин,
ким карамли, шафқатли бўлса, уни эр киши деб
ҳисоблагин.

Емишсиз йиғочтёк карамсиз киши,
Емишсиз йиғочни кесип ўртагил.

Карамсиз, шафқатсиз киши мевасиз дарахт каби-
дир. Мевасиз ёғочни кесиб ёндиргин.

Мусулмонга мушфиқ булуб меҳрубон,
Сенга сондуғунгни мусулмонга сон.

Мусулмонга шафқатли ва меҳрибон бўлиб, ўзинг-
га ўхшаган кишиларни мусулмон сана.

ТАНГРИНИНГ БУЙРУҒИ ВА ШАФҚАТИГА ИТОАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Жафо қилдачингга ёнут қил вафо,
Аримас неча ювса қон бирла қон.

Сенга жафо қилувчига сен вафо билан жавоб қил,
қонни қон билан қанча ювса ҳам, у аримайди.

Яроғлиқ ошингни кишига едур,
Яроғ бўлсанг уфроғ ялингни бутур.

Яхши яроқли ошингни кишига едир, яроқли нарса
(кийимлик) топсанг яланғочларнинг йиртилган
кийимини бутла.

Куч эмгак тегурма кишига қоли,
Агар тегса эмгак, кишитин кўтур.

Зинҳор кишига зўравонлик ва зулм қилма,
агар киши қийинчиликка тушса, сен унга кўмак
бер.

Эсиэ қилған эрга сен эдгу қил-а,
Карамнинг боши бу эрур кед бил-а.

Ёмонлик қилган кишига сен яхшилик қил, бу ка-
рам-шафқатнинг бошланишидир, бунн яхши ан-
ла.

Агар келса эртин сенга эдгулук,
Укуш қил ўл эрнинг саносин тила.

Агар бирор кишидан яхшилик кўрсанг, у кишини
кўп мақта, дуо қил.

Ёзуғлуқ кишининг ёзуғин кечур,
Адоват кўкини қазип кес кечур

Гуноҳкор кишининг гуноҳини кечир, адоват ил-
дизини қазиб ташла, кес ва кўпориб ташла.

Алингланса тутнуб ғазаб инад ўти,
Ҳалимлиқ сувин соч ўл ўтни ўчур.

Ғазаб ўти тутаб, алангаланиб ёнса, мулойимлик
билан шафқат, марҳамат, ҳақиқат сувини сочиб,
уни ўчир.

Карам бир бино ангар ҳилм бунёд ул,
Ё майдонтек ул гул карам ол кўл ул.

Карам, шафқат кишига бир бинодек, унда яхши
хислат ҳосил бўлади, у майдон каби (кенг гулзор
ундан карам ол) кўлдир.

Йиқиқлиққа йириб кесуллукка ула,
Бу эндинлик эрга озод ўз қўл-а.

Одобли бўлишга ёндашиб (ўзингни) камтар тут,
тартибли кишиларга озод жон қул бўлсин.

Қудазгил, аё дўст, улуғлар ақин,
Осиқсиз жадал ҳам мизожтин соқин.

Эй, дўст, улуғларни иззат қил, фойдасиз ҳар
нарсага аралashiш ва тортишувдан (ёмон одат-
лардан) сақлан.

Улуғларни бушруб сенга бу мизож,
Кичикларни густох қилур бил яқин.

Бу ярамас қилиқлар улуғларнинг ғазабини қўзға-
тиб, кичикларнинг хулқини бузади, бунни яхши би-
либ қўй.

Бало келса сабр эт, фарраҳқа кутуб,
Кутуб тур фарраҳқа бало-ранж ютуп.

Бало келса севинчга йўйиб сабр қил, қийинчилик-
ни ичингда сақлаб шодлик келишини кутиб тур.

Учар меҳнат ўти, кочар навбати,
Қолур сабр идиси савобин тутуб.

Меҳнат, машаққат ўти сўнар, сўнг сабрли кишига
савобга зришиш навбати етади.

Улуғлуғқа тегсанг енгилма ўзунг,
Қоли кейсанг атлас унутма бўзунг.

Улуғликка етишсанг янглишма, агар атлас кий-
санг, бўз кийганигни унутма.

Улуғ бўлдуғунгча тузунрак бўлуб,
Улуғқа кичикка силиқ тут сўзунг.

Улуғлигингга яраша яхшироқ бўлиб, улуққа-ки-
чикка сўзингни силлиқ, мулойим қил.

ОХИРГИ БУЛИМ: ТУРЛИЧА МАЪНО БИЛДИРУВЧИ БАЙТЛАР ҲАҚИДА

Ўқуб сўзла сўзни эва сўзлама,
Сўзунг кизла кедин, бошинг кизлама.

Сўзни уқиб сўзла, шошиб гапирма, (жераксиз,
ярамас) сўзингни яшир, ярамас гапинг туфайли
кейин бошингни яшириб юрма.

Минг эр дўстунг эрса ўкуш кўрмагил,
Бир эр душман эрса ани озлама.

Мингта дўстинг бўлса кўп кўрма, биргина душманнинг бўлса, уни оз дема.

Алайҳуссаломнинг минг дўстдан бир душман кўп дегани.

Неча тетик зртин бирор саҳв келур,
Неча пур ҳунарда бирор айб бўлур.

Кўп тадбирли, тетик кишиларнинг қўлидан бирор саховат келади, ҳунармандлар қанча етук бўлса ҳам, унинг бирор камчилиги бўлади.

Бу бир айбдан ўт(у)ру бошин кесгучи,
Очунда тирилгу кишисиз қолур.

Бу бир айб учун одамларнинг бошини кесувчи киши, дунё яшайдиган кишиларсиз қолади.

Тирил эдгу феълин кўнгуллар олип,
Эсизликтин ўзни сарангу солип.

Яхши феъл билан киши кўнглини олиб, ўзингни ёмон қилиқлардан сақлаб яша.

Этар бўлсанг ишни сонип соғнип эт,
Керакму кераксизму кертув билип.

Бирор иш қиядиган бўлсанг керакли, кераксиз-
ми эканлигини тўғри билиб, ўйлаб қил.

Не иш ўтру келса сенга, кед яқин,
Ул ишнинг унгини сўнгини соқин.

Қандай иш сенга тўғри келса, у ишнинг ўнг, сўн-
ги (аввали ва охири) нима бўлишини ўйлагин.

Севунч эрса кедин кўнгул тут анга,
Ўкунч эрса андин узароқ соқин .

Севинчли (нарсa) бўлса, унга кўнгилни яқин тут,
агар қайғули (иш) бўлса ундан узоқроқ сақлан.

Эран хайри шарри кузаф кечмас ул,
Эсиз ўдгу ишга ёнут бўлмас ул.

Яхши киши қўлидан ёмонлик келмайди, ёмон ки-
ши эса яхшилик қайтариш учун жавоб
топа олмайди.

Аё эдгу умфон эсизлик қилип,
Тикан эйлаган эр узум бичмас ул.

Эй, ёмонлик қилиб яхшиликдан умидвор бўлув-
чи, тикан излаган (қидирган) киши ҳеч вақт узум
узмайди.

**БИРОР ИШ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРИЛГАНДА,
УНИНГ ЗАРАРИДАН САҚЛАНИШ,
ТИКАН ЭКИЛСА, УНДАН УЗУМ БИТМАСЛИГИ
ҲАҚИДА**

Эши эдгу бўлса эр эзгу бўлур,
Эр эш эзгусиндин ўкуш хайр келур.

Улфати яхши кишининг ўзи ҳам яхши бўлади, ях-
ши улфат кишидан кўп яхшилик келади.

Эсизга ёвума, эсиз суҳбати,
Сени теркин эсиз қилиғлиқ қилур.

Ёмонга яқин юрма, ёмоннинг суҳбати тезлик би-
лан сени ярамас қилиққа ўргатади.

ЗУЛМ ВА ЖИНОЯТ ЙЎЛИДАН САҚЛАНИШ ҲАҚИДА

Мажоз бўлди дўстлуқ ҳақиқат қани,
Минг эр дўстда бири булунмас кўни.

Дўстлик деган нарса бир мажоз бўлиб қолди,
ҳақиқат қани, минг дўстдан бир тўғриси
топилмас.

Ўкушрак кишининг ичи ғадр эрур,
Кўни дўстунг эрса тоши бил муни.

Кўпроқ кишининг ичи қора (ғайир) бўлади, чин
дўстинг бўлса, унинг дўстлиги юзаки деб
бил.

Бу кун очунда кишилик азиз,
Қани қанча борди кишилик эсиз.

Бу дунёнинг шу кунларида кишилик нақадар азиз,
қани у ҳақиқий инсонлик? Қаерда йўқ бўлиб
нетди.

Вафо кўли суғлуп қуруп йўллари,
Жафо тўлди тошти денгизтин эдиз.

Вафо кўллари қақраб, йўллари қуриди. Денгиздан
ҳам мўл бўлиб жафо тўлиб тошди.

Қани аҳд амонат, қани эзгулук,
Кўни келтугунча хайр кетгулук.

Қани аҳдга риоя, қани омонат, қани яхшилиқ,
тўғрилиқ (адолат) келгунча хайри эҳсон кетади.

Боши борди хайрнинг сўнги борғуси,
Унги келти ҳай(и)рнинг сўнги келгулук.

Боши кетган яхшилиқнинг сўнги ҳам кетгуси, ол-
ди келган яхшилиқнинг охири ҳам келгуси.

Очун тўлди адван жафо жавр била,
Қани бир вафолиқ бор эрса тила.

Дунё душманлик, адоват, жабр, жафо билан тўл-
ди. Қани, бирор вафога риоя қилувчи бўлса, уни
сўраб топгин.

Сен артақсан анин очун артади,
Нелук бу очунға қилурсан кела.

Сен бузуқсан, дунё шу билан бузилди, бу дунёга
келиб нима қиласан?..

Йирарсан замонагни халқин қўдуб,
Замонагни йирма кишисини йир.

Халқингни қўйиб замонагни айблама, замонагни
ни эмас, балки кишиларини айбла.

Ким ул бўрчи эрса киши йиг ул,
Керак эрса йиглик йўри бўрчи бўл.

Ким ичкилик ичадиган бўлса, ярамас кишидир,
агар ярамас бўлишни истасанг, кел ичкилик ичув-
чи бўл.

Ким ул йўллуғ эрса анинг йўли йўқ,
Ким ул йўлсиз эрса анга кенгроу йўл.

Кимнинг йўли бўлса, яъни қобилиятли бўлса унга
йўл йўқ, кимнинг йўли бўлмаса, яъни босар йў-
лини билмаса, унга кенгроқ йўл бор.

Аё артағ ишлик севунчин солини,
Сенинг рўзгаринг бу кўнгулча қилин.

Эй, бузуқ ишлар билан шуғулланувчи, ғуруринг-
чи ташла, тириклик сенинг измингда экан, манзур
ишлар қил.

Тилакча тирил инч фориг қазғусиз,
Илуругил тилагил ўзунг хушлуғин.

Тинч ва фароғатда, қайғусиз истаганингча яша, ўз
кўнгиш хушлигингни, ўйнаб юришингни
тила.

Убут кетти индаб булунмас йиди,
Алол йигли қани кўрунмас бўди.

Кишилардан уят кетди, уятнинг асарини ҳам ис-
таб топиб бўлмайди, ҳалол кишилар қани, улар-
нинг қораси ҳам кўринмайди.

Алол кенду қайда бу кун қани ким.
Аремни еюрда ҳалол теб еди.

Бугунги кунда ҳалол ниятли бирор кимсанинг ўзи кани? Кишилар ҳаром нарсани ҳалол деб едилар.

Будун моллиқ элга уруп юзларин,
Тузу қул қилурлар озод ўзларин.

Халқ мол-дунёлик элларга юз уриб, сиғиниб, озод жонини мутлоқ қул қилади.

Ким ул молсиз эрса ул эрни кўруп,
Юз уруб кечарлар юмуб кўзларин.

Ким мол-дунёсиз фақир бўлса, кишилар ундан юз ўгириб, кўз юмиб ўтадилар.

Аё молға суқ эр, яқин бил бу мол,
Бу кун қадғу соқинч ёрин юк вабол.

Эй, мол-дунё учун ўзини урган суқ киши, бу бойлик бугун ҳайғу-ҳасрат, ташвиш туғдирса, эртага (ўлган, қиёматда) оғир юк, азобдир, бунни аниқ тушун.

Аром эрса молинг азоб ул сунги,
Исоб ул агар бўлса молинг ҳалол.

Молинг ҳаромдан йиғилган бўлса, аввалидан охи-
ригача азобдир, агар ҳалоллик билан йиғилган
бўлса ҳисоб берилади.

ҲАЛОЛГА ҲИСОБ, ҲАРОМГА АЗОБ БУЛИШИ ҲАҚИДА

Нелук молға мунча суқ ўл бу ўзунг,
Кўнгулда ғаминг ул тилингда сўзунг.

Нақадар ўзинг молға очкўзсан, кўнглингдаги ғаминг,
тилингдаги сўзинг ҳам мол-дунё ҳақида-
дир.

Борурсан бу молинг яғингға қолур,
Уётип ёрурлар сорингү бўзунг.

Сен ўлгач, бу молинг душманингга қолади, сенга
эса ўлчаб, ўреладиған кафанингни ўрайдилар.

Сенинг молинг ул мол ошинтурдуғунг,
Сенга ҳасрат ул бек тутуб турдуғунг.

Сенинг тўплаган молинг ўзингникидир, уни бери-
тиб сақлаганинг эса сенга ҳасратдир.

ТАНГРИНИНГ УЗИГА ВА АЙТГАН СЎЗЛАРИГА СОДИҚ БУЛИШ ҲАҚИДА

Бу кун кенду(в) сучук бу термак сенга,
Ачиқ бўлға ёрин қўдуб бордуғунг.

Бугун тўплаган нарсаларинг сенга тотли бўлиб кў-
ринади, сўнг уни қолдириб кетиш (ўлиш)инг ач-
чиқ бўлади.

Бу очун мазаси қаттиқлик маза,
Азаси ўкушрак мазаси оз-а.

Бу дунёнинг лаззати аччиқ мазалиқдир, бунинг
ташвиши кўпроқ, роҳати (мазаси) оздир.

Асал қайда бўлса била араси,
Ари заҳри тотар асалтин уза.

Асал бор ерда ариси ҳам бирга бўлади, асал ту-
файли (кишига) ари заҳри ортиқ тотийди.

Унарликқа очун вафосизроқ ул,
Унарсизға мунда жафо азроқ ул.

Хунармандларга дунё вафосизроқдир, хунарсиз-
ларга бу дунёда жафо озроқдир.

Унар бирла давлат (баригил моли)
Бирикилмаги,
Булунмас қамуғ қизда ул қизроқ ул.

Хунар билан давлат бирикиши барча нодир нар-
салардан ҳам қимматлидир.

Не ёзди очунға бу соҳиб унар,
Негуға бу ани улашу қинар.

Бу хунарманд дунёда нима гуноҳ қилди, нега бу
дунё уни тўхтовсиз шунча қийнайди.

Хасисларни кўтруб нафисни чалип,
Адув қутсуз очун қарипму мунар.

Хасисларни улуглар, нафсоният йўлидан борувчи
яхшиларни хор қилиб, адоват ва бахтсизликдан
иборат дунё хатолар билан ўтиб боради.

Аё ҳукмин очун тоба ўггучи,
Йириб муни берар яна ўггучи.

Эй, дунёга ҳукм қилувчи ва уни бошқарувчи, ҳар
нарсани (бир оз) ато қилиб яна қайтариб олувчи
(худо).

Уғон укми бирла келур келган иш,
Анинг амри бирла тегар теггучи.

Тағри ҳукми билан ҳар иш амалга ошади, унинг
амри орқали тақдирланган киши ҳар ишга эриша
баради.

Очунға бу сўкуш маломат нелук,
Қазолар юруткан яратқон малик.

Дунёда бу маломат, таҳқир ва ҳақоратлар нега керак. Эй, улик, тирик яратган тангри.

Қазо бирла санчлур адоққа тикан,
Қазо бирла илнур тузоққа злик.

Тангрининг тақдири билан оёққа тикан киради,
Буйруғи билан кийик тузоққа илинади.

Қамуғ тенгдачи ненг қазодин эрур,
Ўқушсиз эр ани сабабтин кўрур.

Ҳамма нарса худонинг иродаси билан юз беради,
нодон ниши буни бирор сабабга боғлайди.

Қазо бирла учқан холиқ қушлари,
Қариға қўнар ҳам қафасқа кирур.

Осмонда учувчи қушлар худонинг амри билан
кўлга қўнади ва қафасга киради.

Қазо келса югрук югурмас урур,
Қазо қайтарилмас қатиг ё қурур.

Қазо (ўлим) келса югурувчи нарсалар югурмайди,
қазони кучли ўқ-ёйини қуриб қайтариб бўлмайди.

Сенга ранж анга ганж беригли уғон,
Жазо қилма ё ранж идиси туруп.

Сенга ранж, унга ганж берувчи қодир тангридир,
тангри туриб сен жазо ва жабр қилма.

ОХИРГИ СЎЗ [СЎЗНИНГ ТУГАЛЛАНИШ САБАБЛАРИ]

Битидим китоби мавоиз масал,
Уқуса готир тил емиштек асал.

Кишиларга ибрат, таълим берувчи, адабга чаки-
рувчи бу китобни ёздим, ким ўқиса тили асал
егандай чучийди.

Ким эрса бу сўзга одинлар сўзин,
Тенгаса тенгади дурустқа бадал.

Ким бўлмасин бу сўзларга бошқалар сўзини тенглаштира, у уни (бошқалар сўзини) дуруст нарсага қиёслаган бўлади.

Адиб Аҳмад отим адаб-панд сўзум,
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум.

Отим Адиб Аҳмад, сўзим панд-насиҳат, сўзим бу дунёда қолиб, ўзим у дунёга кетаман.

Келур куз, кечар ёз, борур бу умур,
Тугатти умурни бу ёзим кузум.

Баҳор ўтиб куз келади, умр эса ўта беради: бу кетма-кет ўтаётган баҳор ва кузларим умрни тугатди.

Анин уш чиқартим бу туркча китоб,
Керак қил теп, эй дўст, керак қил итоб.

Эй, дўст, (истасанг) қадрли тут, истасанг ташла деб ушбу туркча китобни ижод қилдим.

Битидим бу тангсук тураф сўзларин,
Холи борса ўзум отим қолсу теб.

Агар куним битиб ўлсам, отим қолсин деб, тан-
сиқ, ажойиб сўзларни ёздим.

Анин уз эрур бу китоб бир сўзуг,
Тўлулаб кетурдум кёмиштим юзуг.

Бу китоб шунинг учун ҳам нафисдирки, ҳар бир
сўзни тўлатиб ёздим, керакмас юзаки сўзларни
ташладим.

Наводир сўзуг оз булур, азл ўкуш,
Жуз атлас булур қиз учузи бўзуг.

Қимматли сўз оз, ҳазил сўз кўп бўлади, бир пар-
ча атлас қиммат, бир жуфт бўз арзон бўлгани
каби.

Аё менда кедин келигли муни,
Уқусанг дуода унутма мени.

Эй, мендан кейин келувчи (авлодлар) бу китобни ўқисанг, менинг ҳақимга дуо қилишни унутма.

Сенга адя қилдим бу тангсуқ китоб:
Менга адя қилсу дуо теб сени.

Бу нодир, тансиқ китобни менинг ҳақимга дуо қилсин деб, сенга ҳадя қилдим.

АЛАЙҲУРРАҲМАНИНГ ТАЪРИФИГА ДОИР

Туға кўрмас эрди адибнинг кўзи,
Тузаттим бу ўн тўрт боб ичра сўзи.

Адибнинг кўзи туғма кўр эди, лекин шунга қарамасдан асарни ўн тўрт бобдан иборат қилиб туздим.

Йаған бўлса юклук узасинда (зар) қор
Анинг туши бўлғай бу сўзнинг ози.

Фил устига юкланган зар (каби) бўлса, сўзнинг ози унинг тенги бўлади.

Адиблар адиби фозиллар боши,
Гўҳартин сўз аймиш один сўз биши.

Адиблар адиби, фозиллар боши гавҳар каби пух-
та сўз дурларини териб айтгандир.

Уғон раҳмат этсун бу соат анга,
Ёрин қўпса бўлсун ёронлар боши.

Тангри шу соатда унга ёр бўлсин, тонгла қиёмат-
да уни ёронларга бош қилсин.

Адибнинг ери оти Югнак зрур,
Сафолиқ ажаб ер кўнуллар ёрур.

Адиб туғилган ернинг оти Югнақдир, у жойнинг
ҳавоси сафоли, унда кўнгиллар яйрайди.

Атоси оти Маҳмуд Югнакий,
Адиб Аҳмад ўғли, йўқ ул ҳеч шаки.

Отасининг оти Маҳмуд Югнакий, адиб Аҳмад ҳеч
шаксиз унинг ўғлидир.

Китобининг оти эрур Ибатул-
Ақойиқ, иборат арабтин ўшул.

Китобнинг оти «Ҳибатул-ҳақойиқ»дир, бу ибора
арабчадир.

Тамоми эрур кошғарий тил била,
Айтмиш адиб риққати тил била.

Асарнинг тили бошдан-оёқ қашқарчадир. Адиб
бадий тил билан айтгандир.

Агар билса кошғар тилин ар киши,
Билур ул адибнинг неким аймиши.

Агар ҳар киши қашқар тилини билса, у киши
адибнинг барча айтганларини англайди.

Киши тилни билса билур маънисин,
Билурман деса айб ўзи билмасин.

Киши тилни билса, унинг маънисига тушунади, тил-
ни билмасдан биламан деса, айбдир.

Кўп элни кўрарман адиб сўзини,
Била билмасиндин улар ўзини.

Кўп кишилар (эллар) адибнинг сўзини билиб-билмай айтиб юрганларини учратаман.

Айибқа қўюптур халойиқ аро,
Ғалат маънисин айтимиш яна.

Яна хато маъно бериб, эл орасида айбга қўйибдир.

Сабаб эрди бу иш битидим китоб,
Керак қил ижобат, керак қил итоб (ат).

Кўп кишилар сабабли бу китобни ёздим, (истасанг) ижобий равишда қабул қил, истасанг ташла, таъна қил.

Билиб тутса ҳар ким адибнинг сўзини,
Халойиқ аро ул гузинлар ўзини.

Ҳар ким адибнинг сўзига тушуниб амал қилса, у эл орасида ўзини ҳурматга сазовор қилади.

Тарих секиз юз саксан тўртда,
Тўнғиз йили зулқаъда ойининг ўн
Етисида, шанба куни тамом бўлди.
Қутлуғ бўлсун давлат калсун
Меҳнат кетсун төб
Шайхзода Абдураззоқ Бахши
Қўстантаняда битиди.

Сакиз юз саксон тўртинчи (бир минг тўрт юз саксонинчи) йили зулқаъда ойининг ўн еттисида, шанба куни (асар кўчирилиб) тамом бўлди. Шайхзода Абдураззоқ Бахши қутли бўлсин, давлат келсин, меҳнат (машаққат) кетсин деб Истанбулда кўчириб ёзди.

НАШРГА ТАЙЕРЛОВЧИДАН

«Хибатул-ҳақойиқ» тилининг талаффузи ҳозирги замон туркий, жумладан, ўзбек тили артикуляцион нормасидан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Асар тилининг талаффузини ифодаловчи фонетик хусусиятлар бу ишимизнинг кенг жамоатчиликка мўлжаллангани сабабли берилмади. Шунга кўра, «Хибатул-ҳақойиқ» ҳозирги замон ўзбек тили ёзуви асосида босилишини маъқул кўрдик. Асарда учрайдиган тўққизта унли товушлар қуйидагича ифода этилди: тил орқа — «а» учун, ўрнига қараб, — «о» ёки «а», тил олди — «э» учун, ўрнига кўра «э» «а» «е»; тил орқа ўрта кенг қаттиқ «о» ва тил олди ўрта кенг юмшоқ «о» учун — «ў», тил орқа тор қаттиқ — «у» ва тил олди тор юмшоқ — «у» учун «у», тил орқа тор қаттиқ «ы» ва тил олди тор юмшоқ — «и» учун — «и» олинди.

На узбекском языке

Аҳмад Югнаки

ДАРЫ ИСТИН

(Хибатул-хакаиқ)

Редактор *Р. Комилов*

Расмлар *А. Солиқов*

Расмлар редактори *Ю. Павлова*

Техн. редактор *М. Мирқосимов*

Корректор *С. Тоҳирова*

Босмахонага берилди 18/IV 1968 й.
Босишга рухсат этилди 19/VII 1968 й.
Формати 84×108^{1/2}/мм. Босма л. 1.625.
Шартли босма л. 2.71. Нашо л. 2.2.
Тиражи 25000. Рафур Фулом номи-
даги бадий адабиёт нашриёти.
Тошкент. Нароий кўчаси. 30.
Шартнома 94—67.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети
Матбуот Давлат комитетининг Тош-
кент полиграфкомбинатида тайёр-
ланган матрицадан 2-босмахонада
м'мел қоғозга босилди. Янгийёл.
Чехов кўчаси. 3. 1971 йил. Заказ 42.
Баҳоси 7 т.

№ 1
Ю15

Юзбакӣ Аҳмад.

Ҳибатул-диққат. Т.. Ғафур Ғулом
номидаги бадий адабиёт нашриети, 1968.

104 бет.

Тиражи 25000.

Юзбаки А. Дары истиф.

Индекс 7-4-3

17